

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
СЕРВИС ВА ТУРИЗМ” ФАКУЛЬТЕТИ
«Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш” кафедраси
Қўлёзма ҳуқуқида

БУТУНОВ ИЛҲОМ

**Самарқанд шаҳар «Самарқанд» ресторанининг
асосий фондлари таркибидаги моддий техник
базасини самарадорлигини ошириш**

5810300-Сервис (аҳоли ва туристларнинг овқатланишини ташкил этиш)

Бакалавр

академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

“Ҳимояга тавсия этилди”

«Хизмат курсатиш, сервис ва уни ташкил
этиш” кафедраси мудири
профессор _____ Ж.М.Курбонов
“Хизмат курсатиш ва уни ташкил этиш”
кафедраси мажлиси баённома
№ __ 2013 йил “__” _____

Илмий раҳбар:

ассисент Хусаинов А.

Илмий маслаҳатчи:

профессор Курбонов Ж.М

САМАРҚАНД-2013

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1 Республикамизда ва Самарканд вилоятида умумий овқатланиш соҳасининг ривожланиш ҳолати.....	8
2. Самарқанд шаҳар ”Самарканд” ресторанида сервис хизмат кўрсатишини модернизациялаш тадқиқоти	23
2.1 Умумий овқатланиш сервис хизматини кўрсатиш тадқиқоти методи.....	23
2.2 ”Самарканд”ресторанининг овқатланиш сервис хизматини кўрсатиш тадқиқоти натижалари ва унинг таҳлили.....	32
3. Корхона техникавий - иқтисодий модернизациясининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш метод.....	36
4 ”Самарканд” ресторани буфетининг самарадорлигини ошириш чора тадбирлари.....	41
Самарқанд шаҳар «ELXOLDING» ОАО овқатланиш	
5 корхонасида ҳаёт фаолияти хавфсиздигни таъминлаш.....	51
5.1 Корхонада нормал ёругликнинг булишини таъминлаш.....	51
5.2 Ёнгин даврида қилинадиган ишлар ва уни ўчириш.....	54
Хулоса ва таклифлар.....	58
Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	63

КИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартириш бўйича аниқ йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2005 йилдаги 38,7 фоиздан 2011 йилда 50,5 фоизга ўсди. Ахборот-коммуникация, банк, суғурта, лизинг, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий юқори технологик ва бозор иқтисодиётига мос хизмат турлари илдам суръатлар билан ривожланмоқда. 2006—2011 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини тезкор ривожлантириш ҳисобига, авваламбор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 1,1 млн. янги иш жойлари яратилди. Шу билан бирга кўрсатилаётган хизматларнинг эришилган даражаси ва сифати иқтисодий ривожланган мамлакатлар даражасига, республика аҳолисининг реал талабларига, мавжуд ресурслар ҳамда имкониятларга ҳали мос келмаяпти.

Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш кўрсатилаётган хизматларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва бунинг асосида мамлакат иқтисодиётини барқарор ва шиддатли ривожлантиришда, аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш ва фаровонлигини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ҳамда аҳамияти ошиб бормоқда. Уни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2012—2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури қабул қилинди. Ушбу дастур бўйича 2016 йилгача мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 55 фоизгача оширилишини назарда тутадиган 2012—2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий турларини 2,2 маротаба ривожлантириш кўзда тутилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ҳудудий дастурлари ва уларни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилди:

- хизмат кўрсатиш соҳаси таркибини янада такомиллаштириш, аҳоли талабгор бўлган замонавий хизмат турлари билан бозорни жадал ривожлантириш ва тўлдиришга;

- шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларининг қурилишини режалаштиришда тасдиқланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда минтакалар аҳолисига турли ижтимоий ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- биринчи навбатда қишлоқ аҳоли пунктларида хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасига оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари ичидан ёшларни кенг жалб этиш.

Ушбу дастур бўйича 2012-2016 йиллар Ўзбекистонда туристик хизматлар (меҳмонхона хизматлари билан бирга) – 2,3 марта, савдо ва умумий овқатланиш 2,4 марта оширилади. Шу жумладан, барча хизматлар Самарқанд вилояти бўйича 2,4марта кўпайтирилади.

Бундай жадал суръатларда хизмат соҳасининг ривожланиши олдиндан кўзлаб, мамлакатда юритилган сиёсатнинг маҳсули ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг маърузаларида мунтазам равишда бунга йўналтиришлари, вазифа қилиб беришлари катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жумладан «Яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳаларини амалга оширилишига алоҳида эътибор

беришдир.»¹. Бу йўналишда “...ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилмоқда. Ўз навбатида бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқеъга эга бўлишни таъминлаш имконини беради”² деб таъкидладилар. “....иқтисодийни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқур лаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин”³, деб курсатдиларганлари бежиз эмас.

Бугунги кунда сервис корхоналаридан бири ҳисобланган умумий овқатланиш корхоналарида кўрсатилаётган хизматлар тадбиркорликнинг муҳим фаолияти ҳисобланиб, бу билан кўпгина ташкилотлар ва яқка тадбиркорлар шуғулланмоқдалар. Умумий овқатланиш корхоналарининг ривожлантирилиши инсонларнинг турли хилдаги ва рационал овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш вазифасини ҳам бажаради. Бундай вазифаларни бажаришда овқатланиш корхоналарининг техникавий таъминланганлиги алоҳида рол ўйнайди. Улар ўзаро типлари, ўлчамлари, ҳамда кўрсатилаётган хизматлари билан фарқланадилар. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам замонавий талабга мос келмайди. Шунинг учун умумий овқатланиш корхоналарини техник–технологик модернизациясини такомиллаштириш лозим.

¹ Президентимиз И.А.Каримов 2010 йилги 12 ноябрда ўтказган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” номли маърузаси. Тошкент - “Ўзбекистон” нашриёти- 53 бет

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.:Ўзбекистон, 2009 йил -33бет.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 январдаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”номли маърузаси.”Халқ сўзи” газетаси,2012 йил 20 январь.

Умумий овқатланиш корхоналар модернизацияси – бу корхоналарни янгилаш, такомиллаштириш, замон талабларига мослаштириш, умумий овқатланиш хизматларини, уларни сифат кўрсаткичларига мос келтиришдан иборатдир. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш умумий овқатланиш корхоналарини самарадорлигини оширишни ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, имкониятларини аниқлаш, умумий овқатланиш хизматларини сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Хизмат кўрсатиш корхоналарини сервислаштиришнинг муҳим омили, бу уни ҳар томонлама модернизациялаш ҳисобланади. Бунда корхоналарни техник-технологик модернизациялаш муҳим ўрин эгаллайди. Корхоналарни модернизациялаш бу биринчи ўринда унинг ишлаб чиқаришида “янги (инновацион) техника”ни киритиш ҳисобланади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ташкил этилган овқатланиш корхоналарида турли хилдаги жиҳозлар қўлланилиб келинмоқда. Умумий овқатланиш корхоналарни техник-технологик модернизациялаш орқали ривожлантириш йўналишларини илмий-назарий ва услубий жиҳатдан аниқлаш алоҳида аҳамиятга эгаллиги туфайли бу масала ўрганилиши лозим бўлган долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мавзунинг долзарблиги: Шунинг учун ҳам, хизмат курсатиш соҳасининг бири ҳисобланган умумий овқатланиш корхоналарнинг техник технологик модернизацияси талабларидан келиб чикиб ресторанлар асосий фондлари таркибидаги моддий техник базасини модернизациялаш билан самарадорлигини ошириш долзарб мавзу ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари фаолиятининг табиати ҳамда уларни ташкил этишнинг самарадорлигини ошириш муаммолари овқатланиш ва савдо корхоналари жиҳозлари самарадорлигини ошириш масалалари чет эллик олимлардан М.И. Белошапко, М.П.Могилный, В.И.Богушева ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш бўйича

қатор изланишлар олиб борилган. Хусусан, Ж.М.Курбонов, Т.О.Худойшукуров, Сафаров О.Ф. бу борада олиб борган тадқиқотларини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Лекин овқатланиш корхоналарини замонавий жихозлар билан таъминлаб уларнинг самарадорлигини ошириш муаммоси мавжуд.

Тадқиқотнинг мақсади: Умумий овқатланиш корхоналарининг техник модернизациясини сифатли ва самарадорли бажариш учун унинг моддий техник базасига замонавий жихозларини куллаш билан самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Тадқиқот объекти:. Самарқанд шаҳар «Самарқанд» ресторанининг моддий техник базаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети: Мамлакатни модернизациялаш шароитида хизмат курсатиш корхоналари бўлиши умумий овқатланиш корхоналарининг техникавий модернизациясини сифатли ва самарадорли амалга ошириш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари: Битирув малакавий иши доирасидаги тадқиқотлар давомида статистика ва иқтисодий таҳлилнинг қиёслаш, гуруҳлаш, танлаб кузатиш каби бир қатор усуллардан фойдаланилди.

Битирув малакавий иш таркиби: кириш, 5 та бўлимдан, 11 та жадвалдан, 8 та расм, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар руйхати, жами 64 бетдан иборат.

1. РЕСПУБЛИКАМИЗДА ВА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХОЛАТИ

Умумий овқатланишнинг асосий хусусиятларидан бири, бу - барча сотилаётган маҳсулотлар ва хизматлар учун бир вақтда ҳақ тўланиши ёки олинишидир. Яъни, умумий овқатланиш корхоналарининг барча фазаларида бажарадиган хизматлари бир вақтда сотилади. Умумий овқатланишнинг хизматлари ҳажми умумий овқатланиш чакана товар айланмаси таркибига киради. Чунки умумий овқатланиш хизматлари унинг маҳсулотларига қўшиб сотилади. Шунинг учун ҳам умумий овқатланиш хизматлари бозори ҳолатига баҳо беришдаги асосий кўрсаткичлар - бу умумий овқатланишнинг чакана товар айланмаси ва хизматлари ҳажми ҳисобланади.

Республикамызда, жумладан Самарқанд вилоятида статистик маълумотномалар ва тўпламларда умумий овқатланишнинг барча кўрсаткичлари чакана савдо билан биргаликда ҳисобга олиб борилади. Шунинг учун ишда чакана савдога доир айрим кўрсаткичларни ҳам келтириб ўтамиз.

2011-2012 йилларда савдо ва умумий овқатланишнинг бир қатор макроиктисодий кўрсаткичлари ўсиб бораётганини кузатишимиз мумкин (2-жадвал).

**Республика макроиктисодий кўрсаткичлари ҳамда уларда савдо ва
умумий овқатланишнинг улуши**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			2009 йилда 2007 йилга нисбатан	
		2010	2011	2012	фарқи (+;-)	ўзгариш сурати, %
1.	Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), млрд. сўм	28190,0	37746,7	48097,0	19907,0	170,6
	Шундан, савдо ва умумий овқатланишнинг улуши, %	8,7	9,1	9,5	0,8	X
2.	Асосий фондлар, млрд. сўм	39590,5	57547,2	74892,4	35301,9	189,2
	Шундан, савдо ва умумий овқатланишнинг улуши, %	2,0	2,0	2,2	0,2	X
3.	Фойда, млрд. сўм	3202,4	4557,7	5614,7	2412,3	175,3
	Шундан, савдо ва умумий овқатланишнинг улуши, %	4,5	5,3	5,4	0,9	X
4.	Асосий капиталга инвестициялар, млрд. сўм	5903,5	9555,9	12531,9	6628,4	212,3
	Шундан, савдо ва умумий овқатланишнинг улуши, %	2,2	2,7	2,5	0,3	X

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010-2012 йиллар давомида мамлакатимизнинг макроиктисодий кўрсаткичлари тизимида бир мунча ўсиш кузатилган. Шу билан бирга савдо ва умумий овқатланишнинг улардаги улуши ҳам ортиб борган. Бу савдо ва умумий овқатланишда ўсиш даражаси иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан юқорироқ эканлигидан далолат беради. Бироқ маълумотларда кўринишича, республикамызда савдо ва умумий овқатланиш соҳалари моддий техника

базасининг ҳолати талаб даражасида эмас. Чунки 2010 йилда ЯИМнинг 9,5 фоизи савдо ва умумий овқатланишга тўғри келган бўлса, уларнинг асосий фондлардаги улуши бор-йўғи 2,2 фоизни ташкил этган.

Фойданинг таркибида савдо ва умумий овқатланишнинг улуши йил сайин ортиб борган. Бу кўрсаткич 2010-2012 йиллар оралиғида 0,9 бандга ортган. Жами асосий капиталга қўйилган инвестицияларнинг 2,5 фоизи савдо ва умумий овқатланиш соҳасига тўғри келган, бу 2010 йилга нисбатан 0,3 бандга ошган. Мамлакат савдо ва умумий овқатланиш соҳасининг асосий капиталига қўйилган инвестицияларнинг 3,9 фоизи Самарқанд вилоятига тўғри келади. Бу республика маъмурий ҳудудлари ичида Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Наманган вилоятидан кейинги тўртинчи ўринда эканлигини кўрсатади. Шу туфайли ушбу вилоят кўрсаткичлари кенг миқёсда тадқиқ қилинди.

Умумий овқатланишнинг ҳолатига баҳо беришда унинг асосий фондларига алоҳида эътибор қаратиш керак. Чунки умумий овқатланиш асосан, маълум муқим жойлашган корхоналарда ташкил этилади.

Умумий овқатланишни ташкил этилиши нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида турлича эканлигини кўришимиз мумкин (3-жадвал).

3-жадвал маълумотларида кичик корхоналар ва микрофирмалар киритилмаган. Шунинг учун ҳам умумий овқатланиш соҳасининг айрим кўрсаткичлари пасайиш тенденциясини кўрсатмоқда.

**Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланишни ташкил
этилиш ҳолати**

№		Йиллар				
		2008	2009	2010	2011	2012 ⁴
1.	Умумий овқатланиш соҳаси корхоналарида банд бўлган аҳоли сони, минг киши	112,9	117,4	123,7	137,0	141,9
2.	Ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган умумий овқатланиш корхоналари сони, дона	5	5	5	5	5
3.	Қишлоқ ҳудудларида ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган умумий овқатланиш корхоналари сони, дона	3	2	2	3	3
4.	Ҳар 10 минг кишига ўриндиқлар сони, дона	249	220	231	242	246
5	Қишлоқ ҳудудларида ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган ўриндиқлар сони, дона	131	103	124	124	127

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Аммо шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритувчи субъектларнинг аксарият қисми (80%) кичик корхоналар ва микрофирмалар эканини эътиборга оладиган бўлсак юқоридаги жадвал маълумотлари фақатгина қолган 20 фоиз субъектларга тегишли эканини билдиради.

⁴ Муаллиф ҳисоб-китоби асосида олинган.

Самарқанд вилоятида 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 39,9 мингтани ташкил қилди. 2009 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 70,7 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан, шу жумладан 33,2 фоизи кичик корхоналар, микрофирмалар ва 15,6 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилди.

Иқтисодиётнинг кичик секторида иқтисодиётдаги жами бандларнинг 81,1 фоизи бандлиги таъминланган. Банд бўлганларнинг катта қисми 74,8 фоизи (671,1 минг киши) хусусий сектор ҳамда 25,2 фоизи (226,1 минг киши) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади. Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 126,0 фоизга ўсди ва 142,3 млрд. сўмни (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 29,2 фоизи), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 102,7 фоизга ўсиб, 1365,1 млрд. сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 97,4 фоизи) ташкил қилди.

Чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 2011 йилда 59,0 фоизи ёки 268,7 млрд. сўми (150,1 фоизни ташкил қилди) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 64,6 фоизи ёки 258,7 млрд. сўми (128,0 фоизга ўсган) кичик тадбиркорликда шаклланди.

Юқорида таъкидлаганимизек, республикаимизнинг турли ҳудудларида умумий овқатланиш турлича ташкил этилган. Шунинг учун соҳанинг натижавий кўрсаткичлари ҳисобланган ялпи даромад, муомала харажатлари ва фойданинг ҳажми ҳам, уларнинг товар айланмасига нисбатан даражалари ҳам турлича бўлган. Буни биз қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин (4-жадвал).

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, умумий овқатланиш Тошкент шаҳрида жуда яхши ташкил этилган. Бунинг натижасида ялпи даромаднинг товар айланмасидаги улуши ҳам энг юқори бўлган (38,3 %). Бунга мос равишда фойданинг товар айланмасидаги улуши

2012 йилда республикада умумий овқатланиш ялпи даромади, муомала харажатлари, фойдаси ва уларнинг товар айланмасига нисбатан улуши

	Ялпи даромад		Муомала харажатлари		Фойда	
	Млн. сўм	Товар айланмасига нисатан, %	Млн. сўм	Товар айланмасига нисатан, %	Млн. сўм	Товар айланмасига нисатан, %
Ўзбекистон Республикаси	22989,6	28,7	16531,6	20,6	7978,0	9,9
Қорақалпоғистон Республикаси	78,1	12,7	57,6	9,4	40,8	6,6
Вилоятлар						
Андижон	242,3	20,4	149,9	12,7	92,4	7,8
Бухоро	1918,4	23,3	1778,6	21,6	733,3	8,9
Жиззах	33,1	32,3	15,6	15,2	17,5	17,0
Қашқадарё	1393,3	13,9	1414,3	14,1	270,1	2,7
Навоий	119,8	20,1	108,5	18,2	11,9	2,0
Наманган	604,6	25,6	410,5	17,4	194,1	8,2
Самарқанд	1090,2	25,4	612,7	14,3	477,4	11,1
Сурхондарё	201,8	30,2	249,1	36,4	20,3	3,0
Сирдарё	5,0	34,8	3,5	24,4	1,5	10,4
Тошкент	3901,0	24,5	2201,7	13,8	2017,7	12,7
Фарғона	404,9	25,5	355,6	22,4	183,1	11,5
Хоразм	185,0	18,9	152,4	15,6	93,3	9,5
Тошкент ш.	12812,2	38,3	9027,6	27,0	3784,6	11,3

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ҳам бир мунча юқори бўлган (11,3 %). Самарқанд вилоятида умумий овқатланиш ялпи даромадининг ҳажми 2012 йилда 1090,2 млн. сўмни, товар айланмасига нисбатан эса 25,4 фоизни ташкил этган.

Ялпи даромад умумий овқатланишда устама миқдорини билдиради. Айнан ялпи даромад орқали умумий овқатланиш харажатлари қопланади ва фойда таъминланади. Самарқанд вилоятида умумий овқатланиш муомала харажатлари 14,3 фоизни, фойда эса 11,1 фоизни ташкил этган. Бундан кўришиб турибдики, Самарқанд вилоятида умумий овқатланиш Республиканинг ўртача даражаси атрофида ташкил этилган. Буни Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари республиканинг ўртача кўрсаткичлари билан таққосланадиган қиёсий маълумотидан ҳам кўришимиз мумкин (5-жадвал).

5-жадвал.

Самарқанд вилояти кўрсаткичларининг Ўзбекистон Республикасини 2010 йилдаги кўрсаткичлари билан таққосланган маълумотлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирли -ги	Республик а	Самар- қанд вилояти	Фарқ и (+;-)	Нисба -ти, %
1	2	3	4	5	6	7
1.	Ҳудуди	кв.км	448900	16683	-	3,7
2.	Аҳолиси	минг киши	27555,3	3032,0	-	11,0
3.	Аҳолининг зичлиги , 1 кв. км	киши	61,3	181,7	+120,4	296,4
4.	Доимий яшовчи аҳолининг ўртача сонига нисбатан: 4.1. Меҳнат ресурслари	%	56,9	54,5	-2,2	-

	4.2. Иқтисодиётда банд аҳолиси	%	40,0	36,9	-3,1	-
	4.3.Савдо ва умумий овқатланишда банд аҳоли	%	11,21	9,5	-1,71	-
	Жумладан: 4.3.1.Умумий овқатланишда	%	2,44	1,7	-0,74	-
5.	Чакана товар айланиши (умумий овқатланишни қўшган ҳолда)	млрд сум	12558,9	900,5	-	7,17
	5.1. Аҳоли жон бошига	минг сум	455,8	297,0	-158,8	65,16

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Самарқанд вилоятининг майдони 16683 кв.км., аҳолиси 3032,0 минг кишидан иборат бўлиб, республика ҳудудининг 3,7 фоизини, аҳолининг 11,0 фоизини ташкил қилади. Аҳолининг зичлиги республикада 1 кв.км. - 59,6 кишини ташкил қилса, вилоятда - 184,0 кишидан иборат, ўртача республика кўрсаткичидан уч баробар юқори.

Доимий истиқомат қилувчи аҳолининг ўртача сонига нисбатан меҳнат ресурслари вилоятда 54,5 %; иқтисодиётда банд аҳолиси 36,9 фоизни ташкил қилади. Республика бўйича ушбу кўрсаткичлар тегишли равишда – 56,9 ва 40,0 фоизга тенгдир.

Самарқанд вилоятида аҳолининг зичлиги республика бўйича ўртача кўрсаткичдан уч баробар юқорилигига қарамасдан меҳнат ресурсларининг улуши кам. Ҳудудда шундай ҳолат савдо ва умумий овқатланиш соҳасида хизмат қилаётган аҳолининг ҳиссасида ҳам кузатилмоқда. Вилоятда чакана товар айланмасининг аҳоли жон бошига тўғри келаётган кўрсаткичи республика даражасидан 158,8 минг сўмга кам.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, вилоят иқтисодиётини, жумладан савдо ва умумий овқатланиш соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратиш лозим. Чунки иқтисодиёти ривожланган давлатлар кўрсаткичлари билан солиштирсак бу янада паст кўрсаткич эканлиги яққол кўзга ташланади.

Булардан келиб чиқиб, умумий овқатланишни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва унинг асосида соҳа тарақиётини таъминлашга эришиш бугунги кунда объектив зарурият, деб ўйлаймиз.

Фақатгина хизматлар бозорида таклифнинг ривожланганлик даражасига кўра вилоятнинг шаҳар ва туманларида ўсиш даражаси турлича бўлган.

6-жадвал

Самарқанд вилоят шаҳар ва туманларида 2012 йилда чакана товар айланмаси ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми

Шаҳар ва туманлар номи	Чакана товар айланмаси		Пуллик хизмат кўрсатиш	
	2012 йил амал- даги баҳоларда, млрд. сўм	2011 йилга нисбатан % ҳисобида	2012 йил амал- даги баҳоларда, млрд. сўм	2011 йилга нисбатан % ҳисобида
Жами	1195,7	116,8	642,2	133,1
шаҳарлар:				
Самарқанд ш.	453,2	117,6	354,7	131,3
Каттақўрғон ш.	77,3	112,1	24,4	138,5
Туманлар:				
Оқдарё	35,5	115,4	10,4	125,2
Булунғур	50,3	115,3	19,6	137,6
Жомбой	28,7	107,0	16,2	134,1
Иштихон	34,3	126,2	17,3	131,6
Каттақўрғон	35,6	117,4	21,5	144,5
Қўшробот	16,7	118,0	7,4	149,3

Пайарик	65,2	119,5	14,6	137,3
Пастдарғом	68,9	114,1	25,2	141,5
Пахтачи	39,5	122,8	12,7	120,0
Самарқанд	90,6	119,7	41,6	144,0
Нарпай	35,2	126,7	17,7	119,9
Нуробод	21,3	114,9	8,3	115,5
Тайлоқ	31,6	113,3	14,1	129,8
Ургут	111,9	112,7	36,5	138,5

Манба: Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Самарқанд вилоят статистика бошқармаси. Самарқанд. 2012.

6-жадвал маълумотларида кўриниб турибдики, вилоятда чакана товар айланмаси ўртача ўсиш даражаси 18 фоизни, хизматлар ҳажмининг ўсиши ўртача 20 фоизни ташкил этган бир вақтда, айрим шаҳар ва туманларда ўсиш вилоятнинг ўртача даражасидан ҳам юқори бўлмоқда (Самарқанд шаҳри, Булунғур тумани).

Кейинги йилларда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора тадбирлар, ишлаб чиқиладиган дастурларда умумий овқатланиш соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижаси улароқ вилоят чакана товар айланмасида ҳамда савдо ва умумий овқатланиш хизматлари ҳажмида соҳанинг улуши ортиб бормоқда.

**Самарқанд вилояти чакана товар айланмаси ва хизматлар
ҳажмида умумий овқатланишнинг улуши (2000-2008 йиллар)**

№	Курсаткич -лар	Йиллар					2008 йилда ўзгариш сурати, % улушининг фарқи (+;-)			
		2000	2002	2004	2006	2008	2000 йилг а нисб атан	2002 йилг а нисб атан	2004 йилг а нисб атан	2006 йилг а нисб атан
1.	Жами чакана товар айланмаси, млрд. сўм	153, 0	301, 0	371, 6	534, 0	900, 5	5,88 бр	2,99 бр	2,42 бр	1,69 бр
1.1	Шу жумла- дан умумий овқатлани шда	3,6	8,6	9,6	8,0	13,8	3,84 бр	160,4	143,8	172,0
1.2	Умумий овқатланин инг улуши, %	2,35	2,85	2,58	1,49	1,53	- 0,82	-1,32	-1,05	0,04

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятда чакана товар айланмаси 2000-2008 йиллар оралиғида 5,88 мартага ортган бўлса, умумий овқатланиш соҳаси чакана товар айланмаси 3,84 мартага ошган. Вилоят чакана товар айланмасида умумий овқатланиш соҳасининг улуши 2000 йилдаги 2,35 фоиздан 0,82 пунктга камайиб, 1,53 фоизни ташкил этган. Жадвал маълумотларидан ҳам кўриниб турибдики, 2006 йилда умумий овқатланиш соҳаси чакана товар айланмаси 2004 йил даражасидан 1,6 млрд. сўмга кам бўлган. Бу асосан, соҳада бошланган туб ўзгаришлар, шу билан

бирга соҳа субъектларига қўйилган талабларнинг олдинги йилларга нисбатан 2006 йилда бир мунча ортганлиги билан изоҳланиши мумкин.

Самарқанд вилоятида умумий овқатланиш корхоналари сони 2008 йилда 1458 тани ташкил этган. Биз умумий овқатланиш соҳасидаги корхоналарнинг самарадорлик кўрсаткичларига аниқроқ баҳо бериш мақсадида вилоятнинг турли ҳудудларида жойлашган 18 та умумий овқатланиш корхоналарининг самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиб чиқдик. Аммо диссертациянинг ҳажми чегараланганлиги сабабли ва умумий хулосалар чиқаришга асос бўла оладиган, турли ҳудудда жойлашган ва турли мулк шаклидаги умумий овқатланиш корхоналари самарадорлиги кўрсаткичларини ишда келтириб ўтамыз.

8-жадвал

Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган умумий овқатланиш корхоналарининг ўртача самарадорлик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Корхоналар		
		Ресторанлар	Кафелар	Ошхоналар
1.	Самарадорлик:			
	харажатларнинг, сўм	4,06	3,28	1,17
	асосий фондларнинг қайтими, сўм	67,2	55,3	36,7
	асосий фондларнинг сиғими, сўм	0,014	0,018	0,027
	айланма маблағларнинг айланиш тезлиги, кун	11,7	9,8	7,3
2.	Рентабеллик кўрсаткичлари:			
	харажатларга нисбатан, %	12,6	10,7	9,9
	асосий фондларга нисбатан, %	26,9	21,7	16,8
	айланма маблағларга нисбатан, %	43,5	27,8	21,6
3.	Меҳнат унумдорлиги, минг сўм	11978,7	9871,6	7852,0
4.	Ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда, минг сўм	1234,3	785,4	497,9

Манба: тадқиқ этилган корхоналар маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, турли ташкилий шаклдаги умумий овқатланиш корхоналарида самарадорлик турлича.

Самарадорлик ва рентабеллик кўрсаткичларининг ўртача даражаси энг юқори бўлган умумий овқаланиш корхоналари ресторанлар бўлиб, уларда сарф-харажатларнинг самараси 4,06 сўмни, рентабеллиги эса 12,6 фоизни ташкил этмоқда. Бу кафеларга нисбатан 17,8% ва ошхоналарга нисбатан 27,3% кўп демакдир. Шунингдек, вилоятда фаолият олиб бораётган кафеларда ҳам самарадорлик тегишлича 3,28 сўм ва рентабеллик 10,7 фоизни ташкил этган. Самарадорлик ва рентабеллик кўрсаткичларининг энг паст даражаси тадқиқ этилган ошхоналарда кузатилди. Уларда ўртача самарадорлик 1,17 сўмни, рентабеллик эса 9,9 фоизни ташкил этди. Бу самарадорлик ресторанларга нисбатан 2,89 сўм, кафеларга нисбатан эса 2,11 сўм паст демакдир. Шунингдек, рентабеллик ҳам мос равишда 2,7 ва 0,8 пунктга камдир. Шунинг учун тадқиқотларимизни асосан соҳада самарадорлиги нисбатан паст бўлган тоифадаги умумий овқатланиш корхоналарига қаратиш лозим бўлди. Тадқиқот давомида яна бир тенденцияга дуч келдик. Тадбиркорларимизнинг асосий қисми овқатланиш бўйича ресторан ва кафе очган. Оддий ошхона очиб ишлаётган хусусий тадбиркорларнинг улуши жуда кам.

Бундан кўриниб турибдики, тадқиқотларимизни асосан соҳада самарадорлиги нисбатан паст бўлган тоифадаги умумий овқатланиш корхоналарига қаратиш лозим.

Тадқиқот ишида умумий овқатланиш корхоналарининг мулк шакллари бўйича ҳам алоҳида таҳлиллар олиб борилди. Бундан маълум бўлдики, умумий овқатланиш корхоналарининг самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг мулк шаклига ҳам боғлиқдир. Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган турли мулк шаклидаги умумий овқатланиш корхоналари вакилларининг самарадорлик кўрсаткичлари қуйидаги 2.3.2-жадвалда акс эттирилган.

8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига сарфланган маблағлар, унда иштирок этган ресурслар турлича самара берган. Харажатларнинг самарадорлиги энг юқори бўлган

кўрсаткич «Камолот-престиж» хусусий фирмасига тўғри келиб, ҳар бир сўм қилинган харажат 1,19 сўм самара берган. «Ёшлар» МЧЖда бу кўрсаткич 1,06 сўмни, «Самарканд» ресторанида эса энг паст 1,05 сўмни ташкил этган.

Асосий фондларнинг қайтими, яъни бир сўмлик асосий фондга тўғри келадиган товар айланмаси ҳам «Камолот-престиж» хусусий фирмасида юқори бўлган. Унинг фаолиятида иштирок этган асосий фондлар 30,25 сўм самара берган бўлса, «Самарканд» ресторанида 26,62 сўмни, «Ёшлар» МЧЖда 1,5 сўмни ташкил этган.

9-жадвал

Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган умумий овқатланиш корхоналарининг турли мулк шаклларида самарадорлик кўрсаткичлари ҳолати

№	Кўрсаткичлар	Корхоналар		
		«Самарканд» ресторанида	«Ёшлар» МЧЖ	«Камолот- престиж» х/ф
1.	Чакана товар айланмаси, минг сўм	245516,0	85101,0	36455,0
2.	Жами харажатлар, минг сўм	234260	79934,0	30661,0
3.	Асосий воситалар, минг сўм	9223,0	56747,0	1205,0
4.	Айланма маблағлар, минг сўм	13074,0	28398,0	5510,0
5.	Ходимлар сони, киши	30	17	8
6.	Фойда, минг сўм	11256,0	5167,0	5794,0
7.	Самарадорлик:			
	харажатларнинг, сўм	1,05	1,06	1,19
	асосий фондларнинг, сўм	26,62	1,5	30,25
	айланма аблағларнинг, сўм	18,78	3,0	6,62
8.	Рентабеллик, %			
	харажатларга нисбатан, %	4,8	5,5	18,89
	асосий фондларга	122,1	9,1	480,8

	нисатан, %			
	айланма маблағларга нисбатан, %	86,1	18,2	105,2
9.	Меҳнат унумдорлиги, минг сўм	8183,87	5005,94	4556,87
10.	Ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда, минг сўм	375,2	303,9	724,3

Манба: корхоналарнинг ҳисоботлари («1-сонли шакл Бухгалтерия баланси», «2-сонли шакл Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот», «3-шакл Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот», «1Т-меҳнат ҳисобот») асосида муаллиф ишланмаси.

Айланма маблағларнинг самарадорлиги уларнинг айланишини ифодалайди. 2009 йилда „Самарканд“ ресторанида айланма маблағлари 18,78 марта, «Камолот-престиж» хусусий фирмаси айланма маблағлари 6,62 марта, «Ёшлар» МЧЖда эса 3 мартани ташкил этган.

Рентабеллик кўрсаткичлари ҳам турли корхоналарда турлича бўлиб, гарчи фойда сўммаси энг катта бўлсада (11256,0 > 5794,0 > 5167,0), „Самарканд“ ресторанида харажатларга нисбатан рентабеллик даражаси энг паст даражада бўлган (4,8%). Харажатларга нисбатан рентабеллик даражаси энг юқори кўрсаткич «Камолот-престиж» хусусий фирмасига тўғри келади (18,89%). «Ёшлар» МЧЖда эса бу кўрсаткич 5,5 фоиздир.

2. САМАРҚАНД ШАХАР ”САМАРҚАНД” РЕСТОРАНИДА СЕРВИС ХИЗМАТ КЎРСАТИШИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ТАДҚИҚОТИ

2.1. Умумий овқатланиш сервис хизматини кўрсатиш тадқиқоти методи

Сервис соҳасининг бош бўғини бўлган овқатланиш корхонаси уч функцияни: тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уни тарқатиш (бўллаш, муомалага чиқариш), истеъмолини ташкил этишни бажаради. Агар овқатланиш корхоналарининг ишлаб чиқариш функцияси озиқ-овқат саноати корхоналари билан, алмашинув функцияси эса савдо корхоналари билан яқинлигини билдирса, овқатланишни ташкил этиш алоҳида ўзига хос хусусиятли хизмат кўрсатиш функцияси ҳисобланади.

Умумий овқатланиш корхоналарида сервис хизмат кўрсатиш жараёнларини илмий тадқиқ қилишда биз хронологик ва фотографик кузатиш методини қўлладик. Бунда тадқиқот объекти этиб „Самарқанд” ресторанида истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматни олдик.

„Самарқанд” ресторанида истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш жараёнини ташкиллаштиришнинг илмий изланиши жараёни бир нечта босқичлардан иборат бўлди. Буларга: тайёргарлик кўриш, маълумот йиғиш, уларга ишлов бериш, системалаштириш ва умумлаштириш, хизмат кўрсатиш жараёнини ривожлантирувчи шакллари бўйича кўрсатмаларни қайта ишлаш.

Овқатланиш корхонасида тадқиқотни самарали олиб боришда қуйида келтирилган тавсия ва мулоҳазаларга амал қилиш керак бўлади..

Кузатув жараёнини овқатланиш залининг жиҳозлари билан танишишдан бошладик. Корхонада официантлар томонидан хизмат кўрсатилганлиги учун зални маълум бир ўринларга бўлдик ва ҳар бир столга аниқ бир номер ўрнатилди.

Кузатув жараёини эса махсус харитада хар бир қилинган кузатувларни қайд этиш ва кузатув харитасининг биринчи варағига (10-жадвалда кўрсатилган) белгилаб бориш билан олиб борилди.

10-жадвал

Кузатув харитаси №150 ўринли ресторан

Вазият номери	Стол раками												
		12- 05	12- 10	12- 15	12- 20	12- 25	12- 30	12- 35	12- 40	12- 45	12- 50	12- 55	13- 00
1	1	04	П4	П4	П4	У4	С4			О2	О2	П2	П2
	2		О3	О3	П3	П3	П3	П3	У3		С3	О4	О4
	3	О2	О2	П2	П2	П2	П2	П2	П2	У2			С2
2	4									О3	О3	П3	П3
	5	О4	О4	П4	П4	П4	П4	У4	С4		О2	П2	П2
	6		О4	О4	П4	П4	П4	П4	У4	С4		О2	П2
3	7			О4	П4	П4	П4	П4	У4	С4		О4	П4
	8	О3	П3	П3	П3	П3	У3		С2	О2	П2	П2	П2
	9			О4	О4	П4	П4	П4	П4	П4	У4	С4	О4

Изоҳ: О – хизмат курсатишни бошланишини кутиш; П-овқатни истеъмол қилиш; У-хизмат кўрсатиш; С-истеъмолчиларнинг келишига жой тайёрлаш (идишларни тозалаш ва тахминий сервировка қилиш).

Рестораннинг залида таҳлил учун ахборотларни йиғиш учун кузатишга қулай бўлган жойни (барча столлар яхши кўриниши шарт) танланди. Бунда 50-100 жойли ресторанни бир тадқиқотчининг ўзи ҳам кузатувни амалга ошириши мумкин. Шу билан бирга жойлар сони қанча кўп бўлса, шунчалик кузатувчилар сони ҳам кўпаяди, албатта.

Истеъмолчининг ўз-ўзига хизмат кўрсатишда истеъмолчиларнинг оқимини қайд этиш қўлда ёки автоматик равишда залнинг кириш йўлида қайд этилди (2-жадвал), чиқувчи оқимлар эса (тарқатувчининг тарқатиш қобиляти) - тарқатиш хонасини тарк этгандан сўнг фақат кирувчилар ўрнига чиқувчилар қайд этилди ва 11-жадвал тўлдирилди.

№2 сонли кузатув харитаси ошхона залида

Вакт оралиғи, соат- дакика	Кириб келаётган истеъмолчилар окимининг кайд этилиши	Кириб келаётган истеъмолчилар окими, киши
8.00-8.05	І І І І І І І І	8
8.05-8.10	І І І І І І І І	8
8.10-8.15	І І І І І І І І	8
8.15-8.20	І І І І І І І І І І	11
8.20-8.25	І І І І І І	6

Ўз-ўзига хизмат кўрсатишда тарқатиш хонасида навбатнинг узунлигини аниқлаш учун ва залнинг банд бўлган жойларининг миқдорини аниқлашда лаҳзали кузатув методидан фойдаландик. Бунда маълум вақтда залда банд бўлган ўринлар сони, навбатда турганлар сони аниқланди ва 12-жадвал кўринишида белгиланди.

12-жадвал.

№3 сонли кузатув харитаси ошхона залида

Вакт оралиғи, соат- дакика	Залда банд булган уринлар сони	Таксимлаш хонасидаги навбат, киши
8.00-8.05	7	1
8.05-8.10	7	3
8.10-8.15	8	4
8.15-8.20	9	6
8.20-8.25	9	5
8.25-8.30	8	3

Олинган ахборотларни қайта кўришда бир қанча хизмат кўрсатиш жараёнини характерловчи параметрлари асосида аниқланди: хизмат

кўрсатиш бошланишини кутиш вақти; залда банд бўлган жойлар вақти; залда банд бўлган жойлар вақти; залга истеъмолчи оқимининг интенсив кириши; хизмат кўрсатиш системасининг чиқариш қобилияти; залнинг тўлиши; залдаги жойларнинг айланиши ва бошқалар.

Харита бўйича истеъмолчилар оқимининг кириши 12-жадвалда келтирилганлиги бўйича қуйидагича аниқланди: жадвалга соат интерваллари бўйича истеъмолчиларнинг келиш миқдори шу интервал давомида белгиланган столда жой олганлиги белгиланди (13-жадвал).

”Самарканд” ресторанида истеъмолчилар оқимининг интенсивлиги, киши/соат

вазият рақами	Стол рақами	12.00- 13.00	13.01- 14.00	14.01- 15.00	15.01- 16.00	16.01- 17.00	17.01- 18.00	18.01- 19.00	19.01- 20.00	20.01- 21.00	21.01- 22.00	22.01- 23.00	Бир кунда
1	1	6	4	4	-	2	4	-	-	4			24
	2	7	3	4	-	2	-	-	4		4		24
	3	2	6	4	-	4	-	-	3	1		2	22
2	4	3	7	4	5	-	2	-	2	2			25
	5	6	3	6	4	-	4	-	4				27
	6	6	4	2	4	-	-	-	-		4		20
ва х.3.													
7	19	8	4	4	4	3	-	-	4			2	29
	20	5	4	-	4	-	-	-	4			-	27
	21	4	6	6	3	4	2	2	2	4			33
Жами		109	104	81	54	22	17	-	56	31	17	6	497

”Самарканд” ресторанида овқатланиш залига хизмат кўрсатиш системаларининг ўтказиш қобилиятининг ўртача соатини шу шакл бўйича 13-жадвал асосида ўтказилди. 1 соат давомида зални тарқатган истеъмолчилар миқдори, сони ҳам ёзилди.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш залида ҳам маълум бир кирувчи ва чиқувчи истеъмолчиларнинг интенсивлигини аниқлаш ҳам 11-жадвал асосида 14-жадвал тўлдирилди. Кузатув хариталари асосида залнинг тўлишини аниқлаш (11-жадвал ва 14-жадвал) мумкин. Бунда маълум бир вақт оралиғида залда банд бўлган жойлар асосида банд бўлган жойларнинг ўртача арифметик сони ҳисобланди (14-жадвал)

14-жадвал

Вақт соат/дақиқа	Истеъмолчилар оқимининг интенсивлиги			
	кирувчилар		Чиқувчилар	
	Киши/соат	Киши/соат	Киши/соат	Киши/соат
8.00-9.00	96	1,6	84	1,4
ва х.з.				

15-жадвал

Вақт соат/дақиқа	Банд бўлган жойларнинг умумий сони		Залнинг ўртача банд бўлган жойи	
			Жой	%
8.00-8.30	48	6	8	22.2
ва х.з.				

Шундай ҳолда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ҳамда официантлар томонидан хизмат кўрсатишда бир жойнинг бандликнинг ва кутишнинг ўртача вақтини аниқлаш мумкин бўлади.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатишда банд бўлган жойнинг ва ўзи учун залнинг ҳар соатида, официантлар хизмат кўрсатишида эса залнинг иш вақти оралиғи- кундузги ва кечқурунги вақти ҳисобга олинади.

Жойнинг бандлигини аниқлаш вақти истеъмолчи столга келиб ўтиргандан бошлаб ҳисобланади. Официантлар томонидан кўрсатиладиган хизмат кўрсатиш – хизмат кўрсатиш бошланишидан, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш эса таомни истеъмол қилишдан бошланади ва столларни сервировка қилиш ва уларни йиғиштириш билан тугатилади.

Хизмат кўрсатишни бошланишини кутиш вақти ва жойини банд этиш вақти кузатув харитаси асосида қуйидагича (11-жадвалда) аниқланади. Агар 03 устунда шартли равишда 12 соат 15 дақиқа бўлса, унда кузатув 12 соат 10 дақиқадан 12 соат 15 дақиқача ўтказилган. Шу вақт оралиғида бир кузатувда сарфланган вақт кузатув сони давомийлигида оралиққа бўлинади. Агар бир ишчи 5 та ҳолат бўйича кузатув олиб борса, унда ҳар бир кузатувга 1 дақиқа сарфлайди.

Бундан келиб чиққан ҳолда биринчи ҳолатда кузатув вақти 12 соат 11 дақиқа, иккинчи устун 12 соат 12 дақиқа, бешинчи устун эса 12 соат 15 дақиқадан иборат бўлади. Худди шу ҳолатда ҳаракатнинг боши ва охирини аниқланди. Чунки, вақтнинг боши ва охиридаги оралиғи кутишнинг давомийлиги билан боғлиқ.

15-жадвал асосан маълум бир вақт оралиғи ёки бир кунда жойнинг айланишини аниқлаш мумкин. Бу учун маълум бир вақт давомида (соат ёки бир неча соат) ташкилот хизматида фойдланган истеъмолчилар сонини, залдаги жой сонига бўлиш керак бўлади..

Юқорида кўрсатилган метод асосида истеъмолчига овқат тарқатиш тизимидаги хизмат кўрсатиш тадқиқ этилиб олинган натижалар 16-жадвалда киритилди.

«Тарқатувчи - истеъмолчи» хизмат кўрсатувчи системаларнинг тавсифи.

Доимий истеъмолчилар оқимининг вақт соат дақиқа	Вақт оралиғининг давомийлиги дақиқа	Истеъмолчи оқимининг келиши киши	Истеъмолчи оқимининг кириб келиш интенсивлиги, кишида	Истеъмолчилар оқимининг чиқиши киши	Тарқатишнинг уртача чиқариш чмқариш қобилияти киши дақиқа	Тарқатиш хонасида хизмат кўрсатувчи ишчилар сони, киши.	Хизмат кўрсатиш вақти			Навбатда туриш, одам		Банд бўлган жойларнинг ўртача сони	Хизмат кўрсатувчи система ларнинг бандлик коэффициенти	Хизмат кўрсатишдан бош торган истеъмолчиларнинг сон киши.
							ўртача	минимал	максимал	ўртача	максимал			
8.00 -8.25	25	41	17,64	38	1,52	2	39,5	33,3	50	7	9	6	0,57	3
8.25 -10.00	95	20	2,17	191	2,01	2	29,9	21,4	60	16	25	11	0,67	
10.00 -10.55	55	158	2,87	135	2,45	2	24,5	15	60	26	34	18	0,82	2
10.55 -11.05	10	43	4,3	16	1,60	2	36,5	33,3	42,9	9	10	17	0,53	-
11.05 -12.00	30 ⁵	-	-	28	0,63	1	64,5	30	100	5	9	6	0,62	-
12.00 -12.25	25	89	3,96	32	1,28	1	46,9	25	50	8	15	12	0,85	-
12.25 -13.15	50	28	5,60	91	1,82	2	33	30	37,5	20	27	13	0,67	18

13.15 -13.25	10	36	3,60	18	1,80	2	33,3	33,3	33,3	15	17	15	0,60	18
13.25 -14.10	45	26	5,82	63	1,40	2	42,9	27,3	100	10	17	9	0,47	75
14.10 -14.25	15	57	3,80	4	0,27	1	222,2	150	300	12	13	7	0,18	5
14.25 -15.35	70	42	6,03	109	1,56	2	38,5	25	100	16	23	6	0,52	10
15.35 -15.40	5	14	2,80	10	2	2	30	30	30	12	12	10	0,67	2
15.40 -16.00	15 ⁶	8	0,53	109	0,67	1	89,6	42,9	150	3	5	8	0,47	-
16.00 -17.00	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
17.00 -17.45	50	15	3,06	83	1,66	2	36,1	17,6	100	14	18	11	0,55	7
17.45 -18.10	25	139	5,56	29	1,16	1	51,7	25	75	6	15	6	0,77	11
18.10 -18.25	15	48	3,40	31	2,07	2	29	20	50	18	21	13	0,69	1
18.25 -19.00	30	20	6,77	55	1,83	2	32,8	27,3	60	16	18	12	0,61	14
19.00 -19.25	25	40	1,60	11	0,44	1	136,4	60	159	12	16	3	0,29	2
19.25 -19.55	30	105	3,50	33	1,10	1	54,5	30	100	13	16	6	0,67	7
19.55 -20.25	30	41	1,37	3	0,30	1	200	100	300	11	12	2	0,20	3
20.25 -20.45	20	59	2,95	15	0,75	1	80	42,9	150	12	12	2	0,50	4
20.45- 21.00	10 ⁶	9	0,9	4	0,40	1	150	100	300	3	6	3	0,27	5
Жами:	685	1138	3,52	1009	1,47		40,8							129

2.2. ”Самарканд” рестораниниг овқатланиш сервис хизматини кўрсатиш тадқиқоти натижалари ва унинг таҳлили

”Самарканд” ресторанида овқатланиш сервис хизматининг тадқиқоти натижасида биз доимий истеъмолчилар оқимининг вақт оралиғидаги давомийлиги, истеъмолчилар кириб келиш оқими, интенсивлиги, чиқиш, тарқатиш, ўртача чиқариш қобиляти, тарқатувчи хизматчилар сони, хизмат кўрсатиш вақти, навбатда турганлар сони (ўртача, максимал) банд бўлган жойларнинг ўртача сони, хизмат кўрсатувчиларнинг бандлик коэффициенти ва хизмат ололмай кетган истеъмолчилар сони аниқланди. Ушбу таҳлил кўрсаткичлари визуал санаш ва формулалар билан ҳисоблаш йўли билан бажарилди.

Ресторанда хизмат кўрсатиш таҳлилини 17-жадвалда келтирдик.

”Самарканд” ресторанида хизмат кўрсатиш икки хил усул асосида: ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва официантлар томонидан кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланилишини кўриб чиқдик. Олиб борилган кузатишлар асосида ушбу хизмат кўрсатиш жараёнларини босқичларга, поғоналарга ва усулларга бўлиш мумкинлиги мақсадга мувофиқдир.

Ресторан маҳсулотларни тарқатиш воситалари орқали таркибига совитилган ва совитилмайдиган витриналар, пештахталар ва 2 та экспресс-кофеварка мармитлар ва стойкалар киради. Буфетда ишловчилар маҳсулотни ўзлари етказиб беришади. Залда таомларни тик турган ҳолда столда истеъмол қилишади. Идишларни патнисга битта одам йиғади. Фойдаланилган идишлар столларда 5 дақиқагача қолиб кетади. Таомни истеъмол қилиш 4 дақиқа давом этади.

Кўпинча истеъмолчиларнинг кириш оқимининг интенсивлигини ва тарқатувчиларнинг чиқариш қобиляти истеъмолчилар сони, умумий овқатланиш корхоналари хизматларни рад этганлар сони, ўртача минимал ва максимал вақтда тарқатиш хоналарида истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш вақти, хизмат кўрсатиш каналларини бандлик коэффициенти, ўртача ва

максимал вақт кутиш, залнинг сиғими коэффиценти ва чиқариш қобиляти, “тарқатувчи-истеъмолчи” хизмат кўрсатиш системаларининг бандлик коэффиценти асосида ҳисобланди.

”Самарканд” ресторанида хизмат кўрсатиш системаларини таҳлил қилишда қуйидаги ҳолларда олиб борилади:

- турли типдаги ошхона ва буфетлардан фойдаланишда самарадорликни баҳолаш, яъни хизмат кўрсатиш ва банд бўлган каналларнинг коэффиценти пастлигига таъсир этувчи омилларни очиб бериш;

- хизмат кўрсатиш вақтида истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш ўзгаришларни таҳлил қилиш, ўзгариш сабабаларини очиб бериш;

- залдан фойдаланиш самарадорлигига баҳо бериш ва унинг чиқариш қобилятининг пасайиши сабабаларини ўрганиш;

- фойдаланган, йиғилган идишларни ташкиллаштирилишини таҳлил қилиш;

- тўпланиб қолган навбатларнинг сабабини таҳлил қилиш, ҳамда истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатига баҳо бериш;

- ташкилот хизматида фойдаланишни хохламаслик сабабаларини таҳлил қилиш, хизмат кўрсатишларини хохламаганларнинг сонини аниқлаш ва камчиликларни бартараф этиш.

Олиб борилган тадқиқот натижасида фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун ресторан ишлаб чиқаришдаги жиҳозларни модернизация йўли билан яхшилаш замонавий ускуналардан фойдаланиш керак бўлади.

Корхонада хизмат кўрсатишнинг сифатини яхшилаш учун хизматнинг янги хилларини жорий этиш лозим бўлади. Корхонада истеъмолчиларнинг навбатда туриши, истеъмол хизматларини ололмай кетиб қолишлари корхонанинг имиджига таъсир этади.

Тадқиқот вақтида шу маълум бўлдики, эрталабки ўз-ўзига хизмат, кечки официантлар хизматидаги камчиликлар, таклиф этилаётган

ассортимент, таомнома таркиби, кўп ҳолда айрим истеъмолчиларга маъқул бўлмасдан, охир оқибат улар кетиб қолиша ҳолатлари юз бермоқда. Ушбу ҳолат ресторан хизмат соҳасида қатта камчиликлардан дарак беради.

Шунинг учун, биз қуйидаги бўлимда овқатланиш хизматида янги замонавий усулларни тадбиқ этиш билан унинг самарадорлигини оширишни кўриб чиқамиз.

”Самарканд” ресторанида хизмат кўрсатиш жараёнини ташкиллаштириш ҳақидаги ахборотларни илмий асослаш учун аввало унинг асосий таркибини аниқлаш муҳимдир. Узлуксиз равишда истеъмолчиларнинг келиши (маълум бир вақт ичида (соат, дақиқа, истеъмолчилар сони, залга келиши) корхонанинг типи, овқатланувчиларнинг сони, уларнинг меҳнат ва дам олиш тартибига боғлиқдир. Саноат корхоналарининг ошхоналарида барча ишлар асосан конвейерга асосланган бўлса, истеъмолчилар оқими кўпроқ бўлади.

Интенсив оқим кўпинча ўқув масканларида кўпроқ учрайди, чунки ҳар бир талаба, ўқувчи, мактаб ўқувчиларида бир вақтнинг ўзида танаффус берилади. Танаффуслар частотасини ҳисобга олган ҳолда (45 дақиқа), оқимнинг тезлашувини махсус ошхона жадвали асосида тартибга солиш мумкин. Кўпроқ мутаносиб оқимлар умумий овқатланиш корхоналарининг ҳаммабоп кўринишларида бўлади.

Маълум бир вақт давомида тарқата олиш қобиляти ёки истеъмолчилар оқимининг чиқиши (маълум бир вақт давомида (соат, дақиқа) зални тарқатган истеъмолчилар сони) ва бунга бир истеъмолчига хизмат кўрсатиш вақтига тескари пропорционаллигини инобатга олиб, бир истеъмолчи хизмат кўрсатиш учун қанча вақт кам сарфланса, шунчалик тарқатиш хонасининг иш қобиляти юқори бўлади. Хизмат кўрсатиш вақти ва тарқатиш қобиляти бу хизмат кўрсатишнинг шакли ва тарқатиш хонасининг типига боғлиқдир.

Хизмат кўрсатишни кутиш вақти тарқатиш хонасига келган вақтга ёки залда таомни (ичимликни) олиб келгунга қадар кутишга тенгдир.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ташкилотларида экспресс-тушлик ресторанларида 5 дақиқадан кўп бўлмаган, официантлар томонидан махсус буюртмалар асосида кўрсатиладиган хизмат кўрсатишда эса 15 дақиқадан ортмаслиги шарт. Кутиш вақти белгиланган нормадан ортмаслиги учун истеъмолчиларнинг интенсив оқими тарқатиш қобилияти билан ўзаро мутаносибликда бўлиши шарт. Агар истеъмолчилар оқимининг интенсивлиги тарқатиш қобилиятидан ошса, унда навбат кутиш кўпаяди, аксинча эса тарқатиш - ўтиб қолиши мумкин.

